



# MILLIY TIKLANISH

28 (141) 2011 йил 20 июль, чоршанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси  
www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

### Миллий ҳунармандчилик

Республика "Хунарманд" уюммаси Нурота туман бўлими 2010 йилда ташкил этилган бўлиб, қисқа вақт мобайнида 72 нафардан зиёд хунармандни бирлаштирди. Ҳозир кадрларимиз давомчилари миллий хунармандчиликнинг каштачилик, чокли тикиш, тош ўймакорлиги, ёғоч ўймакорлиги, бешиксозлик ва сандиқчилик каби йўналишларида меҳнат қилмоқда.



### Озод юртнинг кўркем уйлари

Қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кўркем ва замонавий кўринишдаги уйлар, маиший, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.



### Ҳиндистон темир излари

Вагон купеларига меъёридан ортиқ одамларнинг жойлашгани, йўловчилар ҳаракатдаги поезд вагонининг эшик ва деразаларида осилиб кетишлари ёхуд унинг томига чиқиб олиш ҳам кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, поездлар ҳам ўз муддатини ўтаб бўлган. Локомотивларнинг кўпи инглиз мустамлакаси даврида ишлаб чиқарилган.

## 3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

### МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



## ВАТАН УЧУН, ЮРТ УЧУН

### ДЕЯ ТЎП СУРГАН ЎСМИР ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МЕКСИКАДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШДИЛАР

2011 йил 15 июль. Тошкент. Олимпия шон-шухрати музейи.

Тадбирнинг бошланишига 20 дақиқа вақт қолган. Анжуманлар зали меҳмонлар билан лиммо-лим. Мақоламиз қахрамони Темураҳимовнинг чексиз ҳаяжон, севинч қоплаб олган. Ахир, ҳаяжонланмасдан бўладими, яқиндагина Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоларини мукофотлаш тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Унга асосан ўсмир футболчиларимиз

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонига биринчи бўлиб лойиқ кўрилди. Бу муҳтарам Президентимизнинг ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган ёшларимизга кўрсатган оталарча ғамхўрлиги, юксак эътиборидир.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳужумчиси Темураҳимов 1994 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Футбол би-

лан 8 ёшидан бошлаб шуғулланади. 2002 йилдан "Пахтакор" футбол мактабидан, кейин академиясида ўз маҳоратини ошириб борди. Ҳозир Республика Олимпия захиралари коллежидан тахсил оляпти. Футбол мактаби мураббийлари Темураҳимовнинг дарвозага йўллаш қобилияти ва иштиёқи сезиб, унга ҳужумда ўйнашни маслаҳат беришди. Темураҳимовдан бошлаб асосан ҳужумда тўп суради. У ҳозир "Пахтакор" футбол клубининг ўринбосарлари сафидан ўйнаётди.

8-бет

### УЧРАШУВ

## ЮРТИМИЗ ИФТИХОРЛАРИ

"Бобур" номли маданият ва истироҳат боғида футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси билан учрашув ўтказилди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси ва Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон футбол Федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилган учрашувда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, спортчилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Болалар спортини ривожлантириш, ўзбек кураши, ўзбек жанг санъатини оммалаштириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси олдида кўйган энг олий мақсадларидан биридир. Партиянинг ҳудудий ташкилотлари томонидан анъанавий "Миллий спорт ўйинлари" фестиваллари, "Фарзандлари соғлом юрт кудратли бўлур", "Миллий тикланиш соврини учун" шioriлари остида йирик спорт мусобақалари ва турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Тадбирда ўсмирлар терма жамоаси аъзолари ўз фаолияти борасида йиғилганларга маълумот бериб, шу кунга қадар эришган ютуқлари билан ўртоқлашди.

"Туркистон-пресс"

### КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

### УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган демократик янгилаш ва мамлакатни модернизация қилишнинг ҳозирги даврида сиёсий тизимга оид жараёнлар ҳам янги босқичга кўтарилаётганининг гувоҳи бўлялмиш. Бунда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш мақсадида танлаган "ўзбек модели" деб ном олган ўзига хос тараққиёт йўли мустаҳкам негиз вазифасини ўтамоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш

риш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни ва ролини кучайтиришга қаратилган қатор ғоя ва қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепциянинг Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришга бағишланган тўртинчи йўналиши фуқароларнинг эркин сайлов ва ўз хоҳиш-иродасини, эркин билдириш принципларини таъминлаш, уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқларини янада кенгайтириш, давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштироки учун янада қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим омил бўлишини алоҳида эътироф этиш лозим.

2-бет

## КОНЦЕПЦИЯДА

## БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

### ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

Давлатимиз раҳбарининг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номли маърузасида истиқлол йилларида эришган ютуқларимиз эътироф этилиб, мамлакатимизнинг келгуси истиқболи, халқимиз фаровонлигининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди.

Мазкур Концепциянинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш, унда белгиланган мақсад ва вазифаларни аҳолининг турли

катламлари орасида кенг тарғиб-ташвиқ этиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси то-

монидан қатор тадбир, давра суҳбати ва ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Гулистон шаҳрида ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сиёсий партиялар: Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси тизимида кадрлар билан ишлаш" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

2-бет

### ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР

### ЮРТ РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция йиғилишида қуйи палата яли мажлиси кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар муҳокама қилинди. Унда Қонунчилик палатаси депутatlари, ҳуқуқшунос ва экспертлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.



2-бет

## ОДАМ ТИНЧЛИГИ — ОЛАМ ТИНЧЛИГИ

Халқимиз азал-азалдан ҳамжиҳат бўлиб яшашга интилиб келган. Бу бирлик унинг қудратини ёрқин намойён этиб, орзу-умидларини, эзгу мақсадларини рўёбга чиқаришда бош мезон сифатида хизмат қилган. Айнан мана шу бирлик, аҳиллик тинчликнинг мустаҳкам пойдевори эканлигини, фақат шу буюк неъмат туфайлигина инсон бахтли ҳаёт кечириши мумкинлигини ўтмишда ҳам, бугун ҳам ҳеч ким инкор этгани йўқ. Бу ҳаёт ҳақиқати. Чунки, тинчлик инсоннинг хурлиги, эркинлиги, ҳуқуқининг асосидир. Тинчлик авлодларимиз давомийлигининг ёрқин йўли, бунёдкорлигимиз илҳомчиси, маънавий юксалишимиз қаноти, ўзлимизни англашнинг бекибс имконияти.

4-бет



## "Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



# СИЁСАТ

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

### САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ

УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲҚАМЛАНАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутувчи "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифи этилди.

Шу ўринда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоларининг ҳам ўз Дастирида эълон қилинган "Ўзбекистоннинг барча фуқароларини ягона умуммиллий мақсад, давлатчилик ва умуммиллий гуруҳ рамзлар атрофида янада жипслаштириш"дек муҳим умумийсиёсий вазифаларини кенг миқёсда амалга оширилишида фаоллашганини, Концепцияда эришишни кўзлаган сиёсий куч сифатида, ўз сафини сиёсий ҳуқуқий маданияти ва интеллектуал салоҳияти юқори, эл орасида инсоний ва ахлоқий фазилатлари билан катта обрў-эътибор қозонган, фидоий, ташаббускор, ташкилотчи, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатларидан устун кўя оладиган инсонлар ҳисобига кенгайтириб боради.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов қончилигида сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ ҳуқуқий асослар мустаҳкамланган бўлиб, улар мазкур тadbирнинг тенг, адолатли, очик ва ошқора мезонлар асосида олиб борилишини тўла қафолатлайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳал-

ланиши, аввало, ушбу жараёнда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Сайлов кампанияси жараёнида сайловолди ташвиқотини олиб бориш соҳасида миллий амалиёт ҳамда ривожланган хорижий давлатлар қончилиги таҳлили шунини кўрсатдики, бир қатор усуллар воситасида уни амалга ошириш имкони мавжуд. Масалан, партияларнинг келгуси дастури ва сайловолди платформаси тўғрисидаги маълумотлар, партияларнинг ўз номзодларига овоз беришга чақирувчи маълумотлар, номзодларга овоз беришга чақирувчи улар тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш, ижтимоий сўров натижаларини эълон қилиш кўринишларида бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бир марталик босма махсуслотларни (баннер, плакат, буклет ва бошқалар) чиқариш ва тарқатиш, даврий босма нашрларда ахборот эълон қилиш (мақола, интервью, депутатликка номзод ҳақида маълумотлар ва бошқалар), аудиовизуал асарлар ва фонограммаларни (оммавий дебатлар, мунозаралар, матбуот анжуманлари, партияларнинг реклама роликлари ва бошқалар) эътибор олиш орқали ёки тўғридан-тўғри эфирга узатиш, ахборот маълумотларини, босма махсуслотларнинг электрон версиясини ҳар қандай маълумот ташувчи восита (жумладан, Интернет) орқали тарқатиш мумкин.

Сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи моддаларга "сайловолди ташвиқотининг нафақат сайлов кунини, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин қилиниши тўла қафолатлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳал-

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари билан ҳамкорликда ўз аъзолари ўртасида, ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларида сайловолди ташвиқотига оид норма ва принциплар мазмун-моҳияти, уни амалга ошириш механизмларини қамраб олувчи семинар-тренинглар ташкил қилиш, услубий қўлланмалар чоп этиш келгуси сайловлар учун муҳим замин яратишга хизмат қилади.**

лий Кенгашлар сайлови жараёнда сайлов оид муносабатлар "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши ўтган давр мобайнида самарали, демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ғоят чуқур ўзгаришларга асос бўлиб, миллий сайлов тизимининг изчил ва босқичма-босқич либераллашувини, икки палатали парламент сайловларининг қонун талаблари ва умумэтироф этилган халқороларнинг принципларига тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукамал қонунчилик базаси шаклланишига олиб келди.

Бироқ, ҳаёт доимо бир жойда турмаганидек, мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш табиий ҳолдир. Шу боис, ўтган сайловларда тўплаган тажриба қўшимчаларни асосланган сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда. Чунки ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи унда амал қилаётган сайлов тизимининг очик ва демократиклиги, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг изчил такомиллаштирилиши, вакиллик органларида партиялараро рақобатнинг кучайиши ва фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга боғлиқ. Шу нуктаи назардан Концепцияда партиялараро рақобатнинг кучайиши, сайловолди ташвиқотининг шакли ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётгани боис Ўзбекистон сайлов қончилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг

шаббуслари овоз бериш жараёнида сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалашини таъминловчи муҳим кафолатлар. Мазкур мазмундаги қандай сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш учун қўшимча вақт берилишига имкон яратяди, балки сайлов кунидан олдин сайловолди ташвиқоти қонунларда сайловолди ташвиқотини амалга оширишга доир нормалар ўрин олган.

Ҳулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қончилигини ривожлантириш демократик ислохотларини янада чуқурлаштиришга ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги эзгу мақсадимизни рўйбга чиқаришнинг хал қилувчи омилли бўлиб ҳисобланади. Қонунчилик палатасининг кундалик фаолиятидаги сиёсий партиялар ташкил қилиш, услубий қўлланмалар чоп этиш келгуси сайловлар учун муҳим замин яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Парламент палаталари кўшма мажлисидаги маърузасида сайлов қончилигини ривожлантириш борасида илгари сурган муҳим ташаббусларидан бири сифатида сайловолди ташвиқотининг ҳуқуқий асослари, унинг тушунчаси, олиб бориш шартлари, турлари, руҳсат этилган шакл ҳамда усулларини қонун билан белгилаб қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Кўриниб турибдики, сайловолди ташвиқоти тушунчасининг аниқ белгилаб қўйилиши, уни амалга ошириш шартлари, турлари, руҳсат этилган шакл ҳамда усулларининг қончилигида мустаҳкам-

**А.РАҲМОНОВ,**  
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

(Давоми. Боши 1-бетда)

### ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Йиғилиш "Темир йўл транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига темир йўлда ташиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокамаси билан бошланди. Мазкур лойиҳа темир йўл транспор-



ти объектларида хавфсизликни таъминлашнинг миллий тизимини янада такомиллаштириш, инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф соладиган ҳар қандай вазиятлар пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган. Амалдаги "Темир йўл транспорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12, 20 ва 26-моддаларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш эса Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорт объектларида хавфсизликни таъминлаш тизимини такомиллаштириш заруриятига асосланган. Қолаверса, қонунга киритилаётган мазкур янгиликлар қонун ҳужжатларидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, темир йўл хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги назорат органларининг ролиги ва ўрнини белгилаш имкониятини яратяди.

Депутатлар қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар билдирдилар.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 175-моддасига ва "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг 1 март кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Унга кўра, халқ таълими туманлар (шаҳарлар)

бўлимлари негизда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари ташкил этилади. Шу муносабат билан "Оила кодекси"нинг 175-моддаси ва "Риэлторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасидаги

коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида муҳтарам Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисида тақдим этилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ташаббуси илгари сурилган эди.

Мазкур қонун лойиҳаси ана шу асосда ишлаб чиқилган бўлиб, унда фуқароларни замонавий телекоммуникация хизматлари билан тўлақонли ва сифатли таъминлаш, ахборотлаштириш ва телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш, телекоммуникация, ахбо-

дик шахслар фаолияти ва фуқароларнинг кундалик ҳаётига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этишда муҳим омил эканини таъкидлади. Бир қатор таклиф ва мулоҳазалардан сўнг ушбу қонун лойиҳаси ҳам фракция аъзолари томонидан биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Фракция аъзолари томонидан "Масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди. Ушбу қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2011 йил 12 майдаги "Тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш ва ташкил этиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган. Унга асосан, Қонуннинг 14-моддасига янги

### МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР

ЮРТ РАВНАҚИ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

«халқ таълими бўлимлари» деган сўزلарни «халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» деган сўзлар билан алмаштириш таклифи этилмоқда.

Кун тартибидagi навбатдаги масала фракция аъзолари эътиборига биринчи ўқишда ҳавола этилаётган «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Маълумки, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-

рот-ишлаб чиқиш алоқа хизматлари, маълумот узатиш ва тарқатишни такомиллаштиришнинг ҳуқуқий механизмлари белгилаб қўйилмоқда. Шунингдек, Интернет глобал тармоғидagi миллий сегментнинг адрес макони ва домен номларидан фойдаланиш тартибини белгиловчи янги нормалар ҳам қонун лойиҳасида ўз ифодасини топтоқда.

Йиғилишда сўз олганлар мазкур масала ҳақиқатан ҳам бугунги кунда устувор аҳамият касб этишини эътироф этиб, телекоммуникация соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, юри-

ташкил этиладиган масъулият чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун устав жамғармасининг энг кам миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга кўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридан 40 баробаригача пайаси тириш тўғрисидаги ўзгариш киритиш мўлжалланмоқда.

Фракция йиғилишида муҳокама қилинган қонун лойиҳаларини юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Камолiddин САИДУЛЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



### КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР

ЯНГИЧА ИШЛАШ ВА ТАШАБУСКОРЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва ЎЗМТДП вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎЗМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда "Ёшлар қаноти" фаоллари иштирок этди.

Тadbирни очган ЎЗМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Худойбердиев Ўртбошимиз тақдим этган Концепцияда белгиланган устувор вазифалар партиянинг барча ҳудудий ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларидан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этишини таъкидлади.

Семинарда "Ўзбекистон" Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислom Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталари кўшма мажлисидаги маърузасида келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида" ЎЗМТДП фракцияси аъзоси О.Эсонова маъруза қилди. Нотик Концепцияда юртимиз тараққиётининг ўтган даври, айниқса, кейинги ўн йил давомида амалга оширилган иш-

лар атрофлича, чуқур таҳлил этилганга эътибор қаратди. Шунингдек, мамлакатимизда ислохотларни янада чуқурлаштириш, модернизация қилиш борасида белгилаб берилган вазифалар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги мавқенини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самарасини таъминлаш масалаларига ҳам кенг тўхтади.

Шуни мулоҳиза эътироф этиш лозимки, муҳтарам Ўртбошимиз тақдим этган Концепцияда белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда фаол қатнашиш ўзини шу юрт келажига дахлдор деб билган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир.

Ўқув-семинарда "Партия устави дастури талаблари асосида Ўзбекистон" Миллий тикланиш" демократик партиясининг ташкилий партиявий ва кадрлар сиёсатини янада такомиллаштириш масалалари" мавзусида маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати У.Жалмонов кўйидагиларга эътибор қаратди:

**Умаркул АНДАҚУЛОВ,**  
Халқ депутати Қарор Бойвут тумани Кенгаши депутати:

— Бугун мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларимиз онгида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу боис ҳар бир депутат бугунги давр, воқеалар ривожини, ислохотлар жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган, электрлотлари ва депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур. Шунингдек, партия электроти манфатларини химоя қилиш, уларни ўйлантираётган муаммоларни халқ эътиборига олиб келиш ва депутатлик масалаларидан биридир.

Семинарда сўз олганлар партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари олдидан турган муҳим вазифалар, истиқболдаги режалар ва ишлаб чиқишли зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар. Семинар якунида келгусида партия захира кадрлари ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган истиқболли режалар тўғрисида.

Биз ўқув-семинар иштирокчилари билан суҳбатда бўлиб, уларнинг фикр-мулоҳазаси ва таассуротлари билан қизиқдик.

**Наргиза КЕНЖАЕВА,**  
ЎЗМТДП Мирзаобод тумани Кенгаши Ижроия қўмитаси "Ёшлар қаноти" етакчиси:

— Анжуманда партия фаоллари олдидан турган долзарб вазифалар чуқур таҳлил этилди. Ютуқлар билан бирга йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам айтилиб, фаолиятли суут партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ишини кучайтириш юзасидан зарур тавсиялар берилди. Бир сўз билан айтганда, мазкур семинар ҳар жиҳатдан фойдали бўлди.

**Анорбой НОРКУЛОВ,**  
"Milliy tiklanish" мухбири



# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

*“Тинчлик-осойишталик ҳар бир инсонга дахлдор бўлган ҳаётий заруратки, уни сақлаш шу юрtdа яшайдиган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак”.*

Ислом КАРИМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Биз, - дейди Юртбошимиз ўзининг “Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак” номли асаридан, - тинчлик ва осойишталик, озодлик ва адаллатни юксак кадрлайдиган, тарихнинг барча оғир синовларидан мардона ўтиб, ҳамиша мағрур бўлиб яшашга ўрганган халқимиз”.

Дарҳақиқат, Ал-Беруний, ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Жалолддин Мангуберди, Мирзо Улуғ-

миллатимизга хос бағрикенглик, қатъиятлиги ҳозиржавоблик, кескинлиги кескирлик, донолиги донишмандлик билан оломон ичига шиддат билан кириб борганликларини кўпчилик яхши билади.

Юртбошимизнинг дилдан тилига кўчган ҳар бир сўзни одамлар диққат билан тинглаб, уриштираётганлар кимлар эканлигини билдилар. Дўст киму, душман кимлигини тушундилар. Бу тушуниш урушларни тўхтатди.

Ислом Каримов ақл-заковати, мардлиги, жасорати билан Ўзбекистонни иккинчи Қорабоғ

Шарқ ва ғарб меъморчилиги аънаналари энг гўзал усул ва услубда ифодаланган маъмурий-маданий ҳамда таълим масканларини айтмайсизми?! Дунё корхоналари билан беллаша оладиган завод ва фабрикаларимиз-чи?!

Шак-шубҳасизки, буларнинг бари давлатимиз томонидан олиб борилган тинчлик, инсонпарварлик, ҳамкорлик ва ҳамжихатлик сиёсати мевасидир. Бу мева айнан мўъжизавийлиги билан кўпларни лол қолдирмоқда. Шу боис бугун яна бир бор гурур билан айтишимиз мумкинки, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик халқимизнинг ўз мустақиллигини ақл-заковат, фидойилик, юртпарварлик билан мустаҳкамлаш йўлидаги интилишига, бунинг учун ҳам маънавий, ҳам жисмоний юксаликка эришишида, шукроналик билан яшаб, келажакка ишонч билан қарашда буюқ қудрат ва восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, бу — энг аввало, бизнинг мустақид, маъмурий-бўйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан бутунлай воз кечиб, эр-

**Зеро, тинчлик оддий сўз эмас. У жуда буюқ, қутлуғ ва залворли сўз. Шу сабабли, бу улғунъмат барча миллатлар, барча юртлар ва бутун дунё учун бирдек қадрли. Усиз бир лаҳза ҳам яшаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг энг олий орзуси тинчлик ҳисобланади. Чунки тинчлик бор жойда ҳаёт осуда, тинчлик бор жойда яратиш, яшнатиш бор, тараққиёт ва гўзаллик бор, бахт бор, омад бор. Тинчлик барқарор жойда одамлар эркин ва фаровон яшайдилар.**

## ОДАМ ТИНЧЛИГИ — ОЛАМ ТИНЧЛИГИ

бек, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг ҳаёти ва бебаҳо мероси Президентимиз фикрларининг ёрқин далилидир.

Бу буюқ сиймоларнинг эл-юрт озодлиги, тинчлиги ва ободлиги йўлида не-не машаққатларни энгиб ўтганликлари, дунё илм-фани ва маданияти равишига тенгсиз ҳисса қўшганликларидан ҳар қанча фахрланасак арзийди. Фахр ва ифтихор туйғуси шубҳасизки, бизнинг ҳар биримизни боши-мизни баланд кўтариб, гурур билан яшашга, Ватанимизни кўз қорачиғидай асрашга, тинчликни қадрига етиб, барпо этилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришга камарбаста фарзанд эканлигимизни бунёдкорлик ишларида намён этишга чорлаб турганлиги билан ҳам гоғдат қимматлидир.

“Бизнинг мақсадимиз, - дейди Юртбошимиз, - дунёнинг барча халқлари билан тенг бўлиб, уларнинг бахт-саодатини дунёнинг барча халқлари билан тенг қилиш, улар билан дўст ва ҳамкор бўлиб яшаш”.

Бу эзгу мақсад аллақачон халқимиз қалбининг садосига айланган улғурган, амалга ошираётган олижаноб ишларимиз ва эришаётган ютуқларимизда бутун бўй-басти билан кўриниб турибди.

Афсуски, тинчлик нималарга қодирлигини, у нон ва гул иси каби ёқимлилигини ҳамма ҳам бирдек ҳис этавермайди, бирдек тушунавермайди. Унинг бетакрор лаззатидан ҳамма ҳам бирдек баҳраманд бўлишга интилавермайди. Юртимиздаги тинчлик ўз-ўзидан қўлга киририлмаганлигини нафақат ўзимиз, балки фарзандларимиз ҳам яхши билишлари ва унутмасликлари керак!

Ўтган асрнинг 80-йиллари охири ва 90-йиллари бошларида Фарғона, Бўжа, Паркент, шунингдек, бошқа жойларда содир этилган фожиялар ҳамон кўз ўнгимизда.

Халқимизнинг тинчлиги, осойишталиги, тотувлиги, ҳамжихатлиги учун астойдил бел боғлаганлигини кўролмаган қабихиятлик кучлар ўзларининг ёвуз мақсадларига эришиш учун оёғимизга болта урмакчи бўдилар. Ичларини ҳасад кемира бошлаган ташқи ва ички душманларимиз ана шундай разиллик билан юртимизда уруш оловини ёқмоқчи бўдилар. Аммо, ганимларнинг муқаддас заминимизда азал-азалдан оға-инидек аҳил яшаб келаётган турли миллатларни бир-бирига қайраб, қиргин бошлашга бўлган уринишлари зое кетди.

Ичкиоралиқнинг асл мақсадини, туб моҳиятини илдиришга чуккур таҳлил қилиб, мақсад-муқддои теран аналган Ислом Каримов ўша кунларда вазият қанчалик оғир, қанчалик таҳликалий, қанчалик хатарли, қанчалик хавфли бўлмасин, бутун масъулиятни зиммасига олиб,

**Ахир, шўролар замонида бутунлай топталган миллий қадриятларимизни тиклаш, омборхоналарга айланрилган неча-неча асрлик тарихий обидаларимизни асл ҳолига келтириш, дунё илм-фани ва маданияти хазинасига бекиёс ҳисса қўшган буюқ бобоқалонларимиз номларини абадийлаштириш, бебаҳо илмий-маданий меросларини халқимизга қайтариш, замонавий йўл ва кўприклар, боғ ва майдонлар, кўпдан-кўп қошоналар барпо этилганлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгарганлиги — буларнинг бари ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.**

бўлишдан асраб қолди.

Асрлар давомида бир-бири билан оға-ини, қариндош-уруғ, қанда-анда бўлиб, тўйларни, марокаю, маросимларни, ҳашарларни биргаликда ўтказиб, “ён қўшни — жон қўшни”чиликка амал қилиб, яшаб келаётган турли миллат вакиллари миллатлараро уруш оловини аланга олдиришга жон-жаҳди билан ёпирилган совок шамоллар қайси томондан эсаётганини аниқ билгач, қилмишларига пушаймон бўдилар. Бир-бирларидан узр сўраб, яна олдинги дўсту-биродарлик, меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкам боғладилар.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг ўша кезлар (1989 йил) Ўзбекистонда яшаётган барча фуқароларга “Меҳр-муруват ришталари узилмасин”, дея қилган муурожаати бекиёс аҳамият касб этганлигини бугун яна бир бор эътироф этмоқ мақсадга мувофиқдир. Бу муурожаат ҳозир ҳам мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат хонадонларида кўнғироқдек янграб турганлигини бир мақсад йўлидаги ҳамжихатлиги ҳамкорлик натижалари яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, бугун, йигирманчи довозга қадам қўя туриб, орtdа қолган ўн тўққиз йилда эришган ютуқларимизни бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, фақат тинчлик ва барқарорлик тўфайлигина юксак чўққиларни забт этганлигимиз, тарихан қисқа муддат ичида юз йилларга татигулик ишларни амалга оширганлигимиз билан ҳар биримиз яна бир бор ҳақли равишда фахрланамиз.

Ахир, шўролар замонида бутунлай топталган миллий қадриятларимизни тиклаш, омборхоналарга айланрилган неча-неча асрлик тарихий обидаларимизни асл ҳолига келтириш, дунё илм-фани ва маданияти хазинасига бекиёс ҳисса қўшган буюқ бобоқалонларимиз номларини абадийлаштириш, бебаҳо илмий-маданий меросларини халқимизга қайтариш, замонавий йўл ва кўприклар, боғ ва майдонлар, кўпдан-кўп қошоналар барпо этилганлиги, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгарганлиги — буларнинг бари ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта.

Нуриддин ОЧИЛОВ

## ● АНЖУМАН

### УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ

МАХСУС ДАСТУРЛАР АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БИЛАН ЖИҲОЗЛАНМОҚДА



*Мустақилликнинг илк кулларидаюқ юртимизда таълим тизими тубдан ислоҳ этилиб, умумтаълим мактабларининг моддий-техник базасини замон талаблари даражасига кўтариш асосий вазифа этиб белгиланганди. Бугунги кунда эса халқ таълими тизимидаги 6509 та умумтаълим мактаби замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланди. 9779 та умумий ўрта таълим мактабларидан 9403 таси “ZiyoNET” тармоғига уланди. Бу йил бюджет маблағлари ҳисобидан яна 806 та мактабга ўқув компьютер синфлари етказиб берилди. Бу ёш авлодининг маънавиятини янада юксалтириш, уларни турли таҳдидлардан асраш борасида амалга оширилаётган ишларнинг бир қисми, ҳоло.*

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда ана шундай рақамлар алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган маъруза тадбир касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, умумий ўрта таълим мактаблари ва маънавият масканларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги устувор вазифалар, омма-

вий маданиятга қарши кураш мавзусига бағишланди.

— Бугунги кунда телевидение ва интернет орқали кириб, миллийликни истисно қиладиган “оммавий маданият” тушунчасига зарба бериш учун, аввало, миллий маданият ва санъатни ривожлантириш, умумжаҳон маданияти ва санъатининг бугунги илғор йўналишларини миллий маданиятимиз ва санъатимизга уйғун ҳолда ўзлаштиришимиз, улардаги энг яхши жиҳатларни сингдириб олиши-

миз даркор, - дейди Маданият ва спорт ишлари вазири ўринбосари Б.Аҳмедов. — Қачонки халқимиз, айниқса, ёшларимиз миллий маданиятимизнинг устун томонларини юракдан ҳис қила олсалар, ўшандагина миллий маданиятимиз ва санъатимизнинг эртасидан беҳавотир бўлишимиз мумкин.

Миллий маданият ва санъатимизни ёшлар онгига сингдириш борасида истиқлол йилларида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда “Шарқ тароналари”, “Асрлар садоси” фестиваллари, “Нихол” мукофотининг таъсис этилиши, турли кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказилаётгани фикримиз далилидир.

Бу борада таълим муассасаларида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўқувчиларнинг “оммавий маданият”га кўр-кўрона тақлид қилишларини олдини олиш, уларда маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат туйғуларини шакллантириш борасида қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Ўқитиш сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация техноло-

гияларидан, “ZiyoNET” жамоат таълим ахборот тармоғидан кенг фойдаланишга эътибор

қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидоғи Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, Республика таълим маркази ва юртимиздаги дастурий маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар билан ҳамкорликда кўплаб электрон дарслиқлар яратилди. Бу ўқув машғулотларининг мазмунини янада бойитиш, илғор педагогик-маърифий услубларни жорий этиш ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишида катта аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари ўқувчи маънавиятини шакллантиришда ўқув куроллари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Уларнинг дизайни, сифати таълим-тарбия мезонларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Шунингдек, ёзги оромгоҳларда банд бўлмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ҳаётида бўшлиқ ҳосил бўлиб, “оммавий маданият” таъсирини тушиб қолишларининг олдини олиш борасида қилнаётган ишлар хусусида ҳам анжуманда алоҳида маълумотлар берилди.

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

## ● ЯРМАРКА

*Аҳоли, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашда жойларда ташкил этилаётган бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим аҳамият касб этмоқда.*

### БИТИРУВЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Наманган туманидаги Тошбулок саноат касб-хунар коллежиде бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаси ҳам самарали бўлди. Унда тумандаги ўттиз битта корхона, ташкилот ва муассаса 300 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада ўрта бугун ёш мутахассисларидан 148 нафари ўз касби бўйича ишга жойлашиш учун йўллани олдди.

Шунингдек, ёшлар кўрғаз-мали воситалар орқали меҳнат қонунчилиги, вилоят меҳнат бозори ҳақида зарур маълумотларга эга бўдилар. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган меҳнат ярмаркалари орқали уч минг нафардан зиёд туман аҳолиси иш билан таъминланди.

А.САТТОРОВ, ЎЗА мухбири

## ● ТАДБИР

### АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИ

*Фуқаролик жамиятини урганиш институтида “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда аёллар ва ёшлар йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.*

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва Фуқаролик жамиятини урганиш институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда пойтахтда ва вилоятларда фаолият юритаётган аёллар ва ёшлар йўналишидаги ННТ, фаол жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида”ги қонун лойиҳаси кўпроқ аҳамиятга молик. Яратилган маъруза ҳужжат ННТларнинг давлат сектори — маъмурий-бошқарув идоралари билан мустаҳкам ва изчил алоқасини таъминлаб, ўзаро амалий ёрдам алмашинувини

цияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар ва уларни амалга оширишда ННТларнинг иштирокини таъминлаш масалалари бўйича сўз борди. “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси, сиёсий партиялар фаоллари ҳамда турли ННТларнинг 2010-2011 йилларда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар ва ёшлар йўналишида 840 тадан зиёд жамоат ташкилотлари фаолият юритмоқда, - дейди ЎзННТМА раиси Абдумажид Каримов. — Юртбошимиз Концепциясининг “Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш” деб номланган бешинчи бўлимида берилган қонун лойиҳалари “учинчи сектор” фаолиятини янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Бунда, айниқса, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўпроқ аҳамиятга молик. Яратилган маъруза ҳужжат ННТларнинг давлат сектори — маъмурий-бошқарув идоралари билан мустаҳкам ва изчил алоқасини таъминлаб, ўзаро амалий ёрдам алмашинувини

яратади. Назаримда, ННТлар ўз фаолиятининг барча босқичларида давлат ёрдамини ҳис этиб турсагина, жамиятда сектор ўртасида барқарор мувозанат ўрнатилди. Натижада олдимизга қўйган олий мақсадимиз — ривожланган фуқаролик жамиятини қуришга муваффақ бўламиз.

Давра суҳбатида “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси — давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик истиқболи”, “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ННТ фаолиятини такомиллаштириш масалалари”, “Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ижтимоий шерикчиликни янада ривожлантиришда аёллар йўналишида фаолият юрсатаётган ННТларнинг таърифи” мавзусларида маърузалар тингланди.

Тадбир сўнгида ЎзННТМАнинг аъзолари томонидан давлат ва нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришга қаратилган “Ижтимоий шерикчилик тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

“Туркистон-пресс”

# МАЪНАВИЯТ

## ТАДОРИК



## ОЛАМ САҲНИГА АЙЛАНГАН ШАҲАР

*Мамлакатнинг дунёга танилишида спортнинг ўрни қанчалик катта бўлса, санъатнинг кучи ҳам ундан қолишмайди. Буни муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали мисолида кўриш мумкин.*

### САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗА

Бу йил Самарқанднинг юраги бўлмиш Регистон ансамбли саккизинчи бор олам саҳнига айланади. Саккизинчи бор барча қўтга санъаткорларини санъатшунослари ана шу саҳнада жам бўлади. Фестиваль қатнашчиларининг сони йил сайин ортиб бораётганлигини, санъат байрами тантаналари сунъий йўлдош орқали тўғридан-тўғри хорижий юртларга узатилаётганлиги, матбуотда кенг ёритилаётганлиги, ушбу анжуманнинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далolat бермайдими? Шу ўринда "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалининг ЮНЕСКО халқаро маданий тад-

саҳналаштирилди. Юксак санъат асари даражасидаги бу қисмларни тайёрлашда фестивал бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев ҳамда фестивал мусиқа раҳбари Абдуҳошим Исмоиловларнинг хизматлари катта бўлди. Оммавий саҳналарга бой ва асосан ёш истеъодлар ижросидаги намойишлар хорижлик меҳмонлар хайратини уйғотмоқда. Ўзбек мусиқа санъати ҳақидаги тасаввурларини ўзгартириб юбормоқда. Талаба ёшлардан иборат 300 нафардан зиёд қобилият соҳиблари иштирок этаётган оммавий саҳна намойиши томошабиларни тўлқинлантириб юбормоқда, санъатшуносларни хайратга солмоқда. Агар биз меҳмонлар ўз юртига Ўзбекистон ҳақида ана шундай илиқ таассуротлар, ун-



бирлари доирасига киритилганлигини эслаб ўтиш ҳам ўринли. Фестиваль муносабати билан дунёнинг кўплаб мамлакатларидан ташриф буюрган меҳмонлар нафақат Самарқанд, балки мустақил мамлакатлардан ҳам кўп сонда келишмоқда. Самарқанд фестивали саккизинчи бора ўтказилади. Ушбу тантаналарни муносиб кутиб олиш учун виллоятнинг барча маҳаллаларида, гузарларида қизгин ҳозирлик кўрилувчи. Самарқанд шаҳридаги қатор маҳаллаларда тозалик, ободончиликни таъминлаш мақсадида "Энг обод кўча", "Энг ораста хонадон" кўрик-танловлари ўтказилмоқда. Шунингдек, юртимиз мусиқа маданияти, "Шарқ тароналари" фестивали тарихига оид янги экспозициялар яратилиши борасида ҳам хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Регистон майдонида миллий чолғу асбоблари ва санъат аҳлига оид тарихий либослар кўргазмалари ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, бу борада ҳам ҳозирлик ишлари бошлаб юборилган. Хуллас, бу галги санъат байрамининг аввалгиларидан ҳам юксак даражада ўтказилишига асло шубҳа йўқ.

Самарқанд қадимий ва бой тарихи, бетақрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган шаҳарлардан бири саналади. Самарқанд ўзининг гўзал табиати, нодир маданий бойликларини билан жаҳон аҳлини ҳамий-

ларга ўтиб келаётган гўзал таърифлар, ёқимли ташбеҳлар, мароқли ҳикमतлар, эътирофлар шодаси бойий бошлади.

### ХОРИЖЛИКЛАР НАЗАРИДА

Келинг, мустақиллик даврида қайта бунёд этилган Самарқанд ҳақида хорижлик меҳмонларнинг кўнгил сўзларига қулоқ тутаик:

**Харума Кошима хоним, "Шарқ тароналари" биринчи халқаро мусиқа фестивали хайъати раиси, Токио университети профессори:**

— Самарқанднинг гўзаллиги, айниқса, қадимий обидалар ва улар теғрасида мустақиллик даврида амалга оширилган уйғун тарздаги ободончиликлар мени ўзига мафтун этди. Шаҳарнинг нафосати, одамларнинг самимию фестивал руҳида акс этиб турганлигини айтмайсизми. Самарқанддан бошқа бирор шаҳарда санъат байрамининг бу



қадр муқаммал ва бетакрор ўтишига ишониб қийин.

қадар муқаммал ва бетакрор ўтишига ишониб қийин.

**Бегам Ифғат Анна Наргис (Бангладеш):**

— Самарқанднинг қадимий осори-атиқалари мени лол қолдирди. Бу шаҳарни бутун вужудим билан севиб қолдим.

**Бассет Селинс хоним (Франция):**

— Самарқанд нафақат кўча ёдгорликлари, балки замонавий иншоотлари билан ҳам чирой очибди. Шаҳарда мустақиллик даврида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Ўзимни кўча Шарқнинг сеҳрли оламига тушиб қолгандек ҳис қилдим.

**Хан Мюн Ми (Жанубий Корея):**

— Дунёда юлдузсифат шаҳарлар бармоқ билан санарли. Самарқанд уларнинг энг ёрқини ва нурафонидир. Чунки, у маърифат, маданият ва эзгулик бешиги сифатида машҳур.

**Пўлат Булбул ўғли (Озарбойжон):**

— Кўларимга ишонмайман, Самарқандми бу, ё эртақлар шаҳри. Очиги, яқин орада бундай хайратга тушмаганман. Самарқанд назаримда ёшариб кетибди, меъморий обидалари аслига қайтгандек. Ўз ўтмиши, бугуни, эртаси учун қайғураётган мамлакат, албатта обод бўлади.

Самарқанд ҳақида бундай таърифларни эшитиш гоятда мароқли. Айни пайтда самарқандликлар учун катта масъулият ҳамдир. Демократизм, бу файзли шаҳарни обод сақлаш, шухратиға шухрат қўйиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсам, шу муқаддас заминда яшашга муносиб бўлиш шарафдир. Америкалик Лорей Грей хоним шундай деган экан: "Йўқ, Самарқанд билан хайрлашгим келмапти..."

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**



*Моддий йўқотишлар ўрнини беш-ўн йилда, боринги, ундан сал кўпроқ вақт ичида тўлдириб мумкиндир, лекин маънавий бўшлиқ ўрнини тўлдирининг ўзи бўлмайди. Негаки, бутун бошли авлод узоқ йиллар давомида ўз миллий қадриятларидан деярли бебаҳра ўтади ва бу нарса кейинчалик салбий оқибатларга олиб келиши шубҳасиз.*

Истиқлол туфайли халқимиз маънавий зугумлардан, қарамликдан озод бўлди, мамлакатимизда эркин фикрга, миллий тафаккурга, миллий тикланишга кенг йўл очилди. Жамиятда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, миллий истиқлол маънавиятини шакллантириш ва ривожлантириш, она тилимиз ва маданиятни тараққий эттириш, ўзликини англаш, соф ўзбекона ҳис-туйғулар, ватанпарварликни ўстириш ва мустақамлашга катта аҳамият берилмоқда. Зеро, ҳар соҳада илғор миллат ва ривожланган давлат бўлишининг зарурий шарт, бой маънавият ва юксак маданиятга эга бўлиш билан белгиланади. Маънавияти ва миллий маданияти юксак халқгина олдиға қўйган улкан мақсадларга эриша олади. Бизнинг мақсадимиз эса ягона: Ўзбекистоннинг келажагини буюк давлатга айлантириш. Албатта, бунга эришиш осон кечмайди. Бироқ, шу юртда яшовчи меҳнатқаш халқимизнинг фидойилиги ва ақл-заковати ҳар нарсаға қодир. Бунинг учун уларнинг онгида миллий гурур, Ватанға муҳаббат, келажакка ишонч туйғуларини шакллантиришимиз, улғу аждодларимизға муносиб бўлишимиз лозимлигини сингдирмоқ зарур.

Шу боис, "Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар" фани 2001 йил 18 январда Президентимиз фармойишиға кўра таълим тизимига киритилди. Миллий ғоя асосида ёш авлоддан ватанпарвар, эл-юртға садоқатли қилиб тарбиялашда, маънан баркамол бўлиб вояға етишида яқиндан кўмаклашди. Хусусан, ёшларимизда жамиятимизға ёт, бузғунчи ва зарарли ғояларға қарши иммунитет ҳосил қилиб, юксак инсоний фазилатларни шакллантиради.

"Янги мафқуранинг асл маъноси, - деб ёзади Юртбошимиз, — эскича ақидалардан холи бўлган мустақил ва янги-ча фикрларни тарбиялашдан иборатдир".

Дарҳақиқат, миллий истиқлол мафқураси ўзининг ҳаётий ғоялари билан одамлар онгидаги эскича фикрлаш ва дунёқарашни сиқиб чиқарди. Халқимиз мустақил фикрлашға ўргани-

## НИГОҲ

*Маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг куч-қудратидир.*

Ислам КАРИМОВ

## МАЪНАВИЯТ ВА МАДАНИЯТ

### ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

ди. Инсон орзу-умидсиз, мақсадсиз яшай олмаганидек, ўз навбатида давлат билан жамият ҳам ғоясиз, мафқурасиз яшай олмайди. Тарих сабоқлари шуни кўрсатадики, бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида эски тузумнинг мафқураси янги тузум талабига мос келмай қолади ва ўз ўзидан янги мафқурани яратиб тарихий заруратга айланади.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов томонидан миллий истиқлол мафқурасини яратиш ва уни халқ онгиға сингдириш ана шундай ҳаётий заруратдан келиб чиққан. Маълумки, миллий тикланиш ўз ўзидан содир бўлмайди, бунинг учун халқ дунёқарашини миллий истиқлол йўлида ислоҳ қилиш зарур. Бу биринчи навбатда маънавиятға боғлиқ. Мустақил тузум маънавий турмушимизға кучли босим ўтказгани сир эмас. Одамларнинг мустақил фикрлаши ва миллий маданиятга бўлган ҳар қандай муносабат кескин қораланган. Бу бир жиҳатдан мафқуравий кушандалик бўлса, иккинчи томондан инсонларни ўзлигини унуттишға, манқуртликка даъват этувчи ғайриинсоний сиёсатнинг бир кўриниши эди.

Она тилимизға давлат тили мактабининг берилиши мамлакатимизда катта аҳамиятға молик сиёсий воқеа бўлган эди. Зеро, тил ижтимоий ҳодиса сифатида жамият раванқи билан узвий боғлиқ бўлиб, миллий ва маданий эҳтиёжларни қондирадиган воситадир. 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақида"ги Қонуни халқимиз миллий онгини ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустақамланишида ва маънавий янгиликни шуда муҳим роль ўйнади. Бу мустақиллик йўлида ташланган илк қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аждодларимизнинг маънавий меросини тиклашға алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, маънавий қадриятлар жамият тараққийотининг барча босқичларида унинг эҳтиёжлари туфайли юзаға келади ва ўша давр ҳаётини акс эттиради. Шу боис, ҳаётимизда юз берган барча ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар тарих саҳифаларида муҳрланиб қолади. Табиийки, биздан кейинги авлод ана шу манбалар асоси-

да ўз аждодларини танийди, қилган хайрли ишларига қараб баҳо беради, фахрланади.

Мамлакатимизда тарихий маданий меросларимизни асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалға ошириб келинмоқда. Халқимиз истиқлолга эришгач, буюк саркардаларимиз, аллома ва мутафаккирларимизнинг тарихий хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг шарафига мақбаралар, боғ-роғлар бунёд этилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 1994 йил Улғубек йили деб, 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди. Буюк аждодларимизнинг юбилейлари мамлакат ва халқаро миқёсда кенг нишонланди. Самарқанд ва Шаҳрисабздаги меъморий обидалар қайта таъмирланди. Пойтахтимиз Тошкентда саккиз ой ичида Темурийлар тарихи Давлат музейи қурилди. Халқимизнинг турмуш тарзи ва маънавиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи азалий урф-одатлар ва байрамларнинг қайта тикланиши ҳам муҳим тадбирлар сирасига кирди. Жумладан, Наврўз байрамини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши фикримизға мисол бўла олади.

Шунингдек, мамлакатимизда диний қадриятларнинг тикланиши борасида ҳам кўпгина хайрли ишлар амалға оширилди. Жумладан, ислом оламининг забардаст алломалари Имом ат Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз Замахшарийнинг 920 йиллиги, Наҳмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги, Хўжа Аҳрорни Валийнинг 600 йиллиги, 1998 йил Имом ал Бухорийнинг 1225 йиллиги, 2000 йили Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллиги кенг кўламда нишонланиши юртимиздан етишиб чиққан олим муфозаларға бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиром белгиси ҳисобланади. Юртимизда бу азиз инсонларнинг бебаҳо асарлари қайтадан чоп этилди, номлари абадийлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий ва маданий юксалиш мустақил юртимизда кечаётган экан, демак, биз кўзлаган мақсадимизға албатта етамиз. Зеро, юрт тараққийоти учун хизмат қилиш барчамизнинг муқаддас ва шарафли бурчимиздир.

**Гулнора ЎРИНБОЕВА, I-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси**

## РОБИТА

## ЧОРРАҲАДАГИ МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ

*Пойтахтимиз кўрकिга-кўрк қўшиб турган санъат кононаларидан бири Ўзбекистон, Япония ва Буюк Ипак йўлида жойлашган бошқа мамлакатларнинг маданий меросини оммалаштириш билан шуғулланадиган илмий-маърифий марказ — Икуо Хираяманинг Халқаро Маданият Карвонсаройидир (ХМК).*

Анъана ва замонавийлик синтези ва Узаро алоқалар ривожининг рамзи бўлмиш ушбу карвонсарой иккита бинодо жойлашган. Ушбу иншоот қадимда бу ерда «карвонсарой» бўлганлигини эслатиб туради.

Бинолардан бирида маъмурий хоналар, анжуманлар зали, Икуо Хираяма ва Япония элчихонаси совға қилган Буюк Ипак йўли тарихи, археология, санъатшунослик, этнография каби соҳалар бўйича мингдан ортиқ китоб, альбом, журналлар мавжуд кутубхона жойлашган. Шунингдек, ўрта асрларға мансуб рангли туш билан қозғоғ ўрамиға ишланган асарларини совға қилган корей мўйқалам усталари бошлаб берган турли халқларнинг анъанавий рангтаъсир асарлари мавжуд.

Бошқа бинодо кўргазма зали жойлашган. Унда таъсирий ва амаллий-безак санъати бўйича республика ва халқаро кўргазмалар ўтказилади, видео-арт, инваймент намойиш этилади, болалар асарлари танлови бўлади, Шарқ ва ғарб фан ва маданият арбоблари билан ижодий кечалар ташкил этилади. Булардан ташқари, би-

нода иккита музей зали жойлашган. У ерда археологлар гуруҳи ва илмий ходимларнинг бошқа мамлакатлар археологлари билан ҳамкорликда Ўзбекистонда олиб борилган тарихий ёдгорликлар қазилма ишлари чоғида топилган «Буюк Ипак йўли кулчилик» асарлари сақланади. Шу ернинг ўзиде археологик топилмаларға ишлов бериладиган ва қайта тикланадиган хоналар, шунингдек таъмирловчиларни япон мутахассисларининг методикаси ва технологияси асосида ўқитиладиган лаборатория ва илмий-ижодий устахона жойлашган.

ХМК Буюк Ипак йўли кулчилик музейи хар йили ўзбек ва япон олимларнинг топилмалари билан бойитиб борилмоқда. Улар Буюк Ипак йўли ёқасида жойлашган республиканинг турли ҳудудларида тадқиқот ишлари ўтказмоқда. Бу ҳамкорликдаги тадқиқотларға УзРФА академиги Э.Ртвеладзе, Япония Археология институти профессори Казуя Ямаучи, Киото университети ўқитувчиси Иваи Шумпей, Сока университети профессори Кендзо Кавасаки сингари машҳур

олимлар раҳбарлик қилмоқдалар. Буюк ипак йўли кулчилик музейида қадимий, ўрта асрларға оид ва замонавий кулчилик, шишачилик ва темирчилик ашёлари, тангалар, мармар, бў ва тош топилмалари сақланади. Музей экспозициясининг катта қисмини Кампиртепа (эр.авв. IV-I асрлар ва эрамининг I-II асрлари), Далварзинтепа (эр.авв. III-I асрлар, эрамининг I-VIII асрлари), Худойдодтепа (эр.авв. II аср — эрамининг I асри), Мунчоктепа (X-XIII асрлар, Сурхондарё вилояти), Қанқа (X-XI асрлар, Тошкент вилояти) каби машҳур харобалардан топилган ашёлар ташкил этади. Қанқа харобасида олиб борилган қазилмалар натижасида топилган Будда ҳайкали бош кийими бегази ХМК музейи факри ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар элчихоналари ва усталари музейға Хитой ва Эрон кулчилик санъати асарларини совға қилишди.

Шуни ишонч билан таъкидлаш лозимки, Икуо Хираяма Ўзбекистон Бадиий Академияси Халқаро Маданият Карвонсаройи жаҳон халқлари дўстлигини мустақамлашға хизмат қилди ҳамда Ипак йўли мамлакатлари маданияти аълоларини тиклаш борасида турли мамлакатлар ижодкорлари ва жамоатчилик кучларини жамловчи марказ бўлиб қолади.

**Инобат ЭГАМҚУЛОВА**

# ЖАРАЁН

## ОРТДАГИ ОБОД ИЗЛАР

● **ТАРАДДУД**

*Унда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия кўмитаси, Гимнастика федерацияси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ва ОАВ вакиллари қатнашишди.*

оила" спорт ўйинлари, 8 март — Хотин-қизлар куни муносабати билан вазирлик, идора, ташкилот ва корхоналарда фаолият кўрсатётган аёллар ўртасида "Соғлом аёл — соғлом жамият" ҳамда "Спорт маликаси" мусобақалари ўтказиб келинади. Бундан ташқари, "Наврўз" байрамига бағишланган спортнинг миллий турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларда иштирок этиш истагида бўлган аёллар сони ҳам йил сайин ортиб бораётир.

Бугунги кунда республика миқдада спорт билан шуғулланаётган аёллар сони 1,9 млн. нафарни, шундан мунтазам спорт билан шуғулланаётганлар сони 680,4 минг нафарга етди. Айниқса, республика бўйича ўтказиб келинаётган анъанавий «Аёллар спорти фестивали» хотин-қизларда спортга бўлган қизиқишни янада орттирмоқда.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Аёллар спорти фестивали»нинг туман (шаҳар), худудий ва вилоят босқичлари бўлиб ўтди. Туман (шаҳар) ва худудий босқичларида қатнашган аёллар сони 75,8 минг нафарни ташкил этган. Бундан шу нарса маълум бўладики, фестивалнинг бу йилги худудий босқичларида 44,2 фоиз аёл қатнашган. Табиийки, бу ўтган йилги кўрсаткичлардан анча кўп.

"VI-Аёллар спорти фестивали"нинг республика босқичи эса жорий йилнинг 21-23 июль кунлари Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Фестивалда спортнинг волейбол, теннис, футбол, стол тенниси, шахмат, сузиш каби спорт турлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган жами 294 нафар спортчи



### «VI-АЁЛЛАР СПОРТИ ФЕСТИВАЛИ»

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН "БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН" ШИОРИ ОСТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН VI-АНЪАНАВИЙ РЕСПУБЛИКА "АЁЛЛАР СПОРТИ ФЕСТИВАЛИ" ОЛДИДАН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ**

(уй бекалари, пенсионерлар, корхона ва ташкилотлар ходимлари) аёллар қатнашиши кутилмоқда.

Ҳалиқаро ҳакамлар ҳайъати томонидан берилган очколар асосида аниқланади ҳамда ҳамкорларнинг қимматбахор совға ва дипломилари билан тақдирланади.

Мусобақалар "Сурхон", "Олимпия захиралари коллежи" спорт саройларида ўтказилади. Шунингдек, фестиваль доирасида ҳамкорлар кўмағида иштирокчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида маданий-маърифий дастурлар ҳам тайёрлан-

ган. Термиз шаҳрининг диққатга сазовор жойларига саёхатлар ташкил этиш ҳам фестиваль режасида бор.

**Дилфуза РЎЗИЕВА,**  
**"Milliy tiklanish"**  
**мухбири**

● **БУНЁДКОРЛИК**

## ОЗОД ЮРТНИНГ КЎРКАМ УЙЛАРИ



*Мамлакатимизда муҳтарам Юртбошимиз раҳнамоллигида инсон манфаатларини таъминлаш, юртдошларимизга муносиб турмуш шароитларини яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.*

Айниқса, қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кўркам ва замонавий кўринишдаги уйлар, маиший, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламли кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Мазкур муҳим ҳужжатдан сўнг юртимиз қишлоқларида замонавий кўринишдаги турар-жойлар қад ростлади. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, 2009 йилда қишлоқ жойларда 42 та мавзеда 847 та, 2010 йил давомида 225 та мавзеда 6800 та уй фойдаланишга топширилди. Жорий йилда эса 372 та мавзеда 7400 та янги турар-жойлар эгаларига топширилди. Барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги замонавий қиёфага эга кўркам уй-жойлар "Қишлоққурилиш-лойиҳа" институти томонидан ишланган 3,4 ва 5 хонали уй-жойлар лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Сирдарё вилояти қишлоқларида ҳам кейинги йилларда бир қатор янги уй-жойлар бунёд этилди. Биргина ўтган йилнинг ўзид

275 та барча қўлайликларга эга бўлган уй-жойлар қурилиб ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Бу ўз навбатида қишлоқ одамларининг оғирини енгил қилди, десак хато бўлмайди.

— Узоқ йиллар пасткам, тор, кўрimsиз уйда яшадик, - дейди Сардоба туманида яшовчи, янги намуна уй сохибаси Маърифат Саватова. — Янги уй қуриш ниятида эдик. Бироқ йиғиб-терганимиз уй қуриш учун етарли эмас эди. "Қишлоққурилиш банк"нинг 15 йил муддатга ажратган кредити шарофати билан кўркам ва кенг уйнинг бекаси бўлиб ўтирибман. Биз қишлоқ аҳолисига гaмхўрлик кўрсатган ҳукуматимизга катта раҳмат.

— Бу янги турар-жойлар барча қўлайликларга эга, - дейди янги хонадон сохибаларидан бири Нарғиза Маҳмудова. — Табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотида асло муаммо йўқ. Ихчамгина томоркамиз ҳам бор. Янги мавзеда таълим-тарбия масканлари спорт ва соғломлаштириш майдончалари бунёд этилган. Савдо ва сервис хизмати кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Бундай имкониятлардан, яратилган шарт-шароитлардан бехад шодимиз. Бизга ҳатто шаҳардагилар ҳам ҳавас қилмоқда. Ҳа, Нарғизахоннинг қувонч

● **СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ**

*Кўчмас мол-мулкни расмийлаштириш билан боғлиқ ҳаракатлар ҳақида тушунча берсангиз.*

**Ш.АҒЗАМОВ, Олмасор тумани**

### МУЛК ҲУҚУҚИ ҚАНДАЙ ШАКЛЛанаДИ?

Кўчмас мулк деганда ер участкаси, бино, иншоот ва квартира тушунади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди.

Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан асоссиз равишда бўйин товлайтган тараф бошқа тарафнинг рўйхатдан ўтказиш кечикканлиги туфайли кўрган зарарини қоплаши шарт.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан сотиб олувчига бундай кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини топшириш билан бир вақтда ушбу кўчмас мулк жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасининг муайян қисмига бўлган

ҳуқуқлар ҳам топширилади.

Сотувчи сотаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқ берилмайди.

Агар шартномада кўчмас мулкни сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланган бўлмаса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган муайян қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Сотувчига мулк ҳуқуқи асосида қарашли бўлмаган ер участкасида жойлашган кўчмас мулкни, агар бундай участкадан фойдаланишнинг қонун ёки шартномада белгиланган шартларига зид бўлмаса, ана шу ер участкасининг розилигисиз сотишга йўл қўйилади. Бундай кўчмас мулк сотилганидан сотиб олувчи кўчмас мулкни сотаётган шахс ер участкасининг тегишли қисмидан қандай шартларда фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритади.

**СОЛМАЗ ҒАФУРОВА,**  
**Ҳамза тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

● **РАҒБАТ**

### ТАШАБУСКОР ЁШЛАР ТАНЛОВИ

Олий ўқув юрти талабаларининг иқтидорини озага чиқариш, уларнинг жамоат ишларидаги фаоллигини, хусусан, «Камолот» ЕИХдаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган «Камолот» стипендиясига аризалар топширилиши бошланди.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур стипендия талабаларнинг ўзлари тахсил олаётган олий таълим муассасаси ёки худуд (туман, шаҳар, вилоят)да «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишдаги фаоллиги, ташаббускорлиги, шунингдек, ижтимоий-сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий саводхонлигига қараб бериладиган рағбатлантирувчи мукофотдир.

"Камолот" стипендияси танлови уч босқичда ташкил этилади:

биринчи босқич — иштирокчиларнинг анкета ва ҳужжатларини қабул қилиш босқичи бўлиб, ҳар йили 20 июндан 20 сентябргача давом этади. Анкеталар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий таълим муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари Кенгашида қабул қилинади. Шунингдек, ҳаракатнинг www.kamolot.uz интернет сайтыга киритилади ва иштирокчилар уларни тўлдирди;

иккинчи босқич — саралаш босқичи бўлиб, 1 октябрга қадар ташкил этилади. Мазкур босқичда Ҳаракатнинг марказий кенгаши қошида ишчи гуруҳ тuzилиб, Республикадаги барча олий таълим муассасаларидан келган иштирокчиларнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади ҳамда муносиб номзодлар саралаб олинади;

учинчиси эса — якуний босқич бўлиб, 15 октябрга қадар Тошкент шаҳрида ўтказилади.

**Азима ҚИЁСОВА**

*Расул ака Шарофов ҳали кексаликка бўй бермаган, ёшлардай серҳаракат, ғайрат-шижоати жўш уриб турган инсон. У банк тизимида эллик йилдан ортиқ вақт давомида ишламоқда. Фарғона вилоятининг шарт-шароитларига кўра бир-биридан кескин фарқланадиган учта туманида банк бошқарувчиси лавозимида меҳнат қилган. Ун йилга яқин "Пахта банк" вилоят бошқармаси бошлиғи бўлган.*

— Биласизми, банклар саррофлик тарзида мамлакатимизда қадимдан мавжуд, - дейди у. — Масалан, Амир Темур давридаги Самарқанд шаҳрида улкан саррофлик растаси фаолият кўрсатган. Бу ерда дунёнинг жуда кўп мамлакатлари, хусусан, Франция, Венеция, Испания пулларини ҳам алмаштириш имкони бор эди. Бу куйидагича амалга оширилган. Савдогар сафарга жўнаш арафасида ўз сармоясини ўзига қарашли саррофга топширар, у эса савдогардан олган маблағи ҳақида ишонч қоғози ёзиб беради. Ҳалиги савдогар, айтайлик, Ҳиндистондан Самарқандга келганида ўзи пул топширган саррофнинг бу ердаги ҳамкоридан ишонч қоғози — ҳужжатни тақдим этган ҳолда тегишли маблағни олиш имконига эга бўларди.

Ҳа, Расул ака мамлакат банк тарихининг ҳам билимдони, аммо унинг банкир сифатидаги ишлари, инсоний фазилатлари ҳақида фарғоналиклар айниқса тўлиб-тошиб гапиришади.

— Фермер сифатида эндигина иш бошлаган чоғларим, - дея эслайди Ўзбекистон туманидаги "Умид" фермер ҳўжалиғи раҳбари Имомали Назаров. — Ҳўжалик даласига тўсатдан бир киши кириб келди ва ўзини вилоят "Пахта банк" бошқарувчиси деб таништирди. Туман банклари раҳбарлари хузурига ҳам аранг кириб борадиган ёш фермер учун даласига вилоятдаги энг катта банк бошқарувчисининг ташрифи қандай ҳаяжонга сабаб бўлишини тасаввур этаверинг. Расул ака ишларим билан танишдилар, чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қимматли маслаҳатлар бердилар. Шу ташрифдан сўнг "Пахтабанк" ажратган 90 миллион сўм кредит туфайли сутни қайта ишлаш корхонасини курдим. Ҳўжалигимизда қорамоллар сони кескин ошди.

Расул аканинги қаерда бўлмасин, фермер ҳўжаликлари фаолияти билан қизиқиб, уларга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатиб келаётгани бор гап. Масалан, Олтириқ туман банки бошқарувчиси лавозимида ишлаётган кезлари — 1991 йили унинг раҳбарлиғида туманда биринчи бўлиб ташкил этилган "Одилжон" фермер ҳўжалиғига катта миқдорда фойсиз кредит ажратилди.

— Мен туманда дастлабки иш бошлаган фермер эдим. Ҳамма бу ишнинг оқибати қандай бўларкин, дея кутарди. Бахтимга Расул ака бор эди, у киши ҳўжалигимизни доимий назоратда тутди. Олди-сотти операцияларини қонунга мувофиқ ҳамда қўлай шароитларда олиб бориш учун банкнинг тажрибали бир ходимини ҳўжалигимизга бириктириб қўйди. Ўзи ҳам тез-тез келиб ишлар билан танишар, йўл-йўриқлар кўрсатарди. Натияжа чакки бўлмади. Ҳозирда "Одилжон" вилоятдаги энг иқтисодий бакуват фермер ҳўжаликларидан бири, - дейди ҳўжалик раҳбари Одилжон Ҳикमतов.

Банк ва фермер ҳўжалиғи ҳамкорлиғи — шаклланган бу тажриба кейинчалик бутун вилоят миқёсида қўлланилди. Расул Шарофов собиқ "Пахта банк" (ҳозирги "Агробанк")нинг вилоят бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган кезлари вилоятдаги ҳар бир фермер ҳўжалиғига биттадан банк ходими бириктириб қўйилди. Ҳомийлик асосида ишлайдиган бу банк ходими фермер ҳўжалигининг молиявий ишларини олиб боришга маъсул эди. Бу ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам ижобий натижалар берди.

Шу кунларда Фарғона шаҳридаги "Агробанк" вилоят бошқармаси биносига кирган одам аввало банк атрофини қўришга тўрғай тўрғай қоронғиларни кўради, банк ҳовлиси эса узум ишқомлари билан қопланган! Беҳизор, хурмо, гилос, ўрик дарахтларидан иборат ям-ашил бог ҳовлини яшатиб турибди. Расул Шарофов банк бошқарувчиси бўлиб келганида унинг атрофи пастак акация дарахтлари билан ўралган, ҳовли эса деярли бўм-бўш эди. Икки-уч йилдан кейин банкка келганлар бино атрофини ва ҳовлисини таниёлмай қолдилар. Зеро, бу ерда яратилган беҳизор ва узумзор бино қиёфасини буткул ўзгартириб юборган эди! Олтириқ, Қўштепа туманлари марказларидаги Расул ака ишлаган банк бинolari атрофлари ҳам беҳизор, узум ишқомлари билан қопланган. У вилоят Марказий банкига ишга келганидан сўнг банк ҳовлисида узум ишқомлари пайдо бўлди.

Устоз ташаббуси билан "Агробанк" биносида ташкил этилган банк тарихи музейи меҳмонлар ва банкка келувчиларда катта таассурот қолдиради. "Ортдан обод излар қолган одамгина чинакам бахтлидир" деган эди донишмандлардан бири. Расул ака меҳнат қилган идораларда ҳозир ҳам устозни кўп эслашади. Тез-тез хузурларига чорлаб, маслаҳатлар олишади. Устоз йўриқларига амал қилишади.

— Мен чинакам маънода бахтлиман, - дейди сочлари қордек оқ, лекин чеҳрасидан, ҳаракатларидан ёшлик таровати уфуриб турган Расул ака Шарофов. — Зеро, умримнинг энг асл куч-қувватга, изланиш, меҳнатга тўла қисмини мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, кундан-кунга ривожланиб, маънавий ва иқтисодий юксалиб бораётган жонажон Ўзбекистонимизга бағишладим. Инсон учун бундан ортиқ саодат бўлиши мумкинми ахир?!

**Алишер ИБОДИНОВ,**  
**Фарғона вилояти**

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## БИЗНИНГ ШАРҲ

### ХАВФЛИ ТЕМИР ИЗЛАР

**ҲИНДИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ БЎЛГАН ТЕМИРЙЎЛЛАРДА ҲАРАКАТЛАНИШ ЖИДДИЙ МУАММОГА АЙЛАНГАН**



Бугунги кунда сайрамацзои кўлаб йўловчилар айнан ҳар томонлама қўлай бўлган темирйўл транспортдан фойдаланишни маъқул кўрмоқда. Маълумотларга кўра, Ер юзи темир йўл магистраллининг умумий узунлиги қарийб бир ярим миллион километрини ташкил этади. АҚШ, Россия, ХХР, Ҳиндистон, Канада, Германия, Австралия, Аргентина, Франция, Бразилия мамлакатлари бу борада рўйхатни бошқариб бораётир.

Фалокат оёқ остида, деб бажиз айтилмаган. Ҳаво, сув, автомобиль транспорти каби темирйўлларда ҳам ҳалокатлар юз бераётгани ташвишли ҳол. Статистик маълумотларга қараганда, биринчи темирйўл ҳалокати 1833

йилнинг 11 ноябрида рўй берган экан. Соатига қирқ километр тезликда ҳаракатланаётган йўловчи поезд вагонларидан бирининг ўқи синиб кетиши оқибатида издан чиққан. Поездларнинг тўқнашиши ва

тез-тез рўй бермоқда?

Олиб борилган тадқиқотларга қараганда, вагон купеларига меъёридан ортиқ одамларнинг жойлашгани, йўловчилар ҳаракатдаги поезд вагонининг эшик ва деразаларида осилиб кетишлари ёхуд унинг томига чиқиб олиш ҳам ана шундай кўнгилсизликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, поездлар ҳам ўз муддатини ўтаб бўлган. Локомотивларнинг кўпи инглиз мустамлакаси даврида ишлаб чиқарилган. Темирйўл магистраллари, кўприклар ҳам эскириб, таъмирталаб бўлиб қолган. Ҳиндистонда йилга ўртача 400 га яқин темирйўл ҳалокати юз бераётганининг боиси ҳам шунда.

1981 йилнинг 6 июнида мамлакат шимолидаги Бихар штатида юзага келган темирйўл ҳалокати энг йирик фожеа сифатида тарихда муҳрланган. Юқумли касалликлар эпидемияси, очарчилик, зилзила, сув тошқини, қурғоқчилик, довул ва цунамилар етмаганидек, темирйўлдаги даҳшатли бу воқеалар халқ бошига жиддий ташвишларни солмоқда. Ҳиндистон ва Непал ҳудудидан оқиб ўтувчи Багмати дарёсига қурилган кўприқдан ўтаётган поезд кучли тўфонга дуч келди. Каттик шамол 7 та вагонни кўприқдан четга суриб юборган. Кўприк устида фақат локомотив ва 2 та вагон қолганди. Фожеа сабабларини ўрганган комиссия ўзгача хулоса чиқарди. Яъни, вагонларнинг кўприқдан дарёга қулашига довул эмас, балки темир излар устига чиқиб олган ҳўкизларни бошиб кетмаслик учун кондукторнинг вагондаги тормоз тизимини кўққисдан ишлатиб юборгани сабаб бўлган. Эслатиш жоизки, Ҳиндистондаги поездларнинг ҳар бир вагониди махсус тормоз тизими мавжуд. Поезднинг 18 метр баландликдан дарёга қулаши оқибатида 800 дан ортиқ киши бевақт ҳаётдан кўз юмди. Гаввослар беш кун давомида сувга фарк бўлган 212 кишининг жасадини олиб чиққан.

Жорий йилнинг июлида Угтар-Прадеш штатининг Лакнау шаҳрида ҳам юз берган поезд ҳалокатида кўлаб одамлар қурбон бўлган. Хаура-Дехли йўналишида ҳаракатланаётган "Калка Мейн" поезди машинисти йўлни кесиб ўтаётган қорамол подасини уриб юбормаслик мақ-

садида тормоз тизимини ишга солади. Оқибатда 12 та вагон ва локомотив издан чиққан. Ҳалокат қурбонлари сони 80 нафардан ошган. Бу ҳам Ҳиндистон темирйўл аварияси тарихидаги энг йириги, дея талқин этилмоқда. Айбдорлар устидан жиноий иш кўзгатилади.

Ҳозирги пайтда поездлар ҳалокати, тўқнашуви нисбатан кўлаб қузатилаётган Ҳиндистонда бир неча темир йўллар ўта мураккаб тоғ доғидан ўтади. Дарджилин, Нилгари ва Калка-Шимла магистраллари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Уларнинг барчаси ўтган XIX асрда қурилган бўлиб, ҳозирга қадар денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликкача йўловчиларни манзилига элтиб кўймоқда. Мамлакат йўлларида ҳар куни 11 мингта поездлар қатнови амалга оширилмоқда. Ҳиндистонда ҳозир 6 минг 867 та темир йўл бекати, 7 ярим мингта локомотив, 280 мингдан ортиқ юк ва йўловчи вагонлар бор. Тармоқда 1,6 миллионга яқин киши меҳнат қилмоқда.

Тарихга муурожаат қиладиган бўлсак, биринчи поезд 1853 йилнинг 16 апрелида собиқ Бомбей, ҳозирги Мумбай яқинидаги Бори Бундер-Тхан йўналиши бўйича 34 километрлик йўлни босиб ўтди. Унда асосан пахта ташилган. 1900 йилга келиб Ҳиндистон темирйўли дунёда бешинчи ўринга чиқиб олди. Айрим локомотивлар оғирлиги 230 тоннани ташкил этган Электровоз 6 минг от кучи, 123 тонналик тепловоз 3 минг 100 от кучига тенг бўлган. 1862 йилда Фарбий Бенгалия штатининг Кхаратпур шаҳрида дунёдаги биринчи икки қаватли поезд юра бошлади. Шулардан 9 мингта йўловчиларни ташигиша ихтисослаштирилган. Ҳар бир вагонда 72 нафардан йўловчи жойлашган бўлиб, чиқинди ташланадиган махсус қутилар йўқлиги боис улар асосан йўл четига ташлаб юборилмоқда. Бир йўловчи 12 соатлик сафари давомида 250 грамм чиқинди қолдирар экан. Ҳар километрдан ўртача 17 кг., бир кунда эса 1,125 тонна ахлат чиқиндилари йиғиштириб олинмоқда. Бу ҳам экологик, ҳам хавфсизлик нуқтаи назаридан жиддий масалалардан бирига айланган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

**Маълумотларга кўра, бугунги кунда темирйўл изларининг кенглиги турлича: 1066 миллиметр, 1 минг 435 мм. 1 минг 520 мм. ва 1 минг 524 миллиметрни ташкил этади. Соҳа мутахассислари кенгроқ темир изларни маъқул, деб ҳисобламоқда.**

## РАНГИН ДУНЁ

Ўтган асрнинг 1966 йилидан бери бутун дунёда 20 июль — Халқаро шахмат кунини сифатида кенг нишонланади. Шу кунини FIDE (Жаҳон шахмат федерацияси) қарорига асосан дунёнинг турли бурчақларида шахмат бўйича турнирлар, маҳорат мактаблари, шахмат ҳақида маърузалар олиб борилади, қизиқарли ва кўнгилочар тадбирлар ўтказилади.

## ШАХМАТ ТАРИХИ

Тарихий манбаларда келтирилишича, чатуранга ўйини шахматнинг яратилишига асос бўлган. Бу ўйин тахминан V-VI асрларда Ҳиндистонда кашф қилинган. У ердан эса Хитойга "сянци", Японияга "сёги" номи билан кириб келган. Эрон ва Араб давлатларида эса чатуранга ўйини шатранж номи билан янада такомиллаштирилди. IX асрда Испанияда оммалаша бошлаган шатранж ҳозирги замонавий шахмат номини олади. X-XI асрларга келиб шахмат Европа ва Скандинавия мамлакатларига ҳам тарқала бошлади.

XV аср охирида бориб шахмат ўйинига бағишланган илк кўланмалар чоп этила бошланган. Ушанда кучли шахматчилар ўртасида мусобақалар уюштириш анъанаси йўлга қўйилади. Шунга қарамай, Европа мамлакатларида шахмат ўйини йиллар давомида эътиборсиз қолиб кетди. Сабаби, ўша даврларда шахматнинг ягона қонун-қоидалари ишлаб чи-

қилмаган эди. Фақат XVIII асрга келиб ўйиннинг умумий қонун-қоидалари қабул қилинади. XIX асрда эса шахмат бўйича энг йирик халқаро турнирлар ўтказила бошланади. Ушбу аср охирида эса шахмат бўйича биринчи жаҳон чемпиони унвонига Вилгелм Стейниц сазовор бўлади.


## НОРАСМИЙ ЧЕМПИОН

Замонавий шахмат бўйича ўтказилган турнирлар ҳисоби бундан 155 йил муқаддам Лондонда ўтказилган мусобақадан бери олиб борилади. Айнан ўша турнирда оддий ўқитувчи Адольф Вилгелм Стейниц сазовор бўлади. Бундай шарафга Бреславлик оддий ўқитувчи Адольф Андерсен мушарраф бўлган. Уни норасмий чемпион дейишимизнинг сабаби шундаки, ўша йили шахмат турнири ҳозиргидек расмий мақомга эга бўлмаган.

## ШАХМАТЧИ АЁЛЛАР

Илк бор аёллар ўртасида

## ЭНГ ҚАДИМИЙ ЎЙИН



ўтказилган шахмат турнирларида асосан россияликларнинг кўли баланд келган. Улар ушбу чемпионлик тожини 1962 йилгача сақлаб туришган. 1962 йили грузиялик шахматчи аёллар Нона Гаприндашвили ва Майя Чибурданидзе (1978 й.) чемпионлик гаштини суришадди. 1991 йил чемпионлик тожи

хитойлик шахматчи Се Цзюньга насиб этди. У нақд икки муддат — 1991-1996 ва 1999-2001 йилларда чемпионликни қўлдан бермай келади. Фақат ушбу муддат ораллигида икки йил давомида венгриялик шахматчи Жуже Полгар чемпионлик наҳидасини сурган. 2001-2004 ҳамда 2006 йилларда чемпи-

онлик бахти яна хитойлик шахматчи аёлларга насиб этган.

## МАЪЛУМОТ ЎРНИДА

Чатуранга — санскрит тилидан таржима қилинганда "чатур" — "тўрт", "ранга" — "ҳарбий отряд" маъносини англатади. Мазкур ўйинда асосан тўртта: қора, яшил, сариқ ва кизил рангдаги доналардан фойдаланилган. Ўйин жуфт-жуфт ҳолда ўйналган ва ҳар бир ўйинчида саккизтадан дونا бўлган. Доналар рожа (шоҳ), фил, от, жанг арава ва тўртта пиёдадан иборат бўлган. Ўйинчилар майдон четидида ўтиришган. Доналар эса ўйин тахтасининг энг пастки чап қисмига жойлаштирилган. Доналарнинг жойлашувида чатуранга ва замонавий шахмат ўртасида даярли фарқ йўқ.

Шахмат — 64 та катакчали тахта устида ўйналадиган стол ўйини. Ўйин тахтасига 32 та (16 та оқ ва қора) доналар териб чиқилади. Ўйин икки киши учун мўлжалланган. Ўйиннинг мақсади рақиб томоннинг шохини мот қилишдан иборат.

Баҳром АТАДЖАНОВ

## ҚИЗИҚАРЛИ ФАКТЛАР:

- Энг биринчи шахмат турнири 1851 йилнинг 7 май-15 июль кунлари Лондон шаҳрида бўлиб ўтган.
- Илк бор шахмат учун яратилган механик соатдан 1867 йили Париж турнирида фойдаланилган.
- 1905 йили Остенда ўтган турнир чоғида биринчи марта "гроссмейстер" унвони муомалага киритилган.
- Шахмат ўйинининг дастлабки компьютер дастури 1947 йили А.Тюринг томонидан яратилди.

## Йирик операция натижаси

**Испанияда йирик наркотик моддалар билан шугулланувчи гуруҳ қўлга олинган.**


Мамлакат полицияси Европадаги энг йирик наркогурӯҳ қўлга олинганини маълум қилган. "El Mundo" газетасининг ёзишича, операция Испания полицияси, Федерал кидирув бюроси ва Майами прокуратураси билан ҳамкорликда амалга оширилган. Натижада жами 20 нафар жиноятчи қўлга олинган. Операцияга Мадриддаги Ла-Моралежа кварталда нақд 25 миллион евро яширингани сабаб бўлган. Мутахассисларнинг фикрича, қўлга олинганлар асосан Испанияда кокаин савдоси билан шугулланиб келган бўлиб, улар Европа орқали транзит йўллар ҳам ташкил этган.



## Ишчанлик ошмоқда

**Ҳар икки нафар немис фуқаросидан бири таътил пайтида ҳам ишлайди.**

Бугунги кунда аксарият германиялик фуқаролар таътилга чиқишларига қарамай, ишни давом эттиришмоқда. 45 дан 54 ёшгача бўлганлар таътил пайтида ишлашлари бироз қийин кечиши маълум бўлган. Тадқиқотларга кўра, ҳар тўртинчи респондент баъзан таътилда ҳам ишласа, ҳар иккинчи фуқаро эса доимий равишда фаолиятни давом эттиришни хошлайди. Кузатувчиларнинг фикрича, глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, мамлакатда иқтисодий ўсишлар қузатилиб, янги иш ўринлари ҳам ташкил этилмоқда. Шунга қарамай, аҳоли орасида ишчанлик ҳам тобора ўсиб бораётир.



## Ҳарбий амалиётлар учун

**Афғонистондаги НАТО кўшинлари устидан кўмондонлик топширилган.**

Хабарларга кўра, Афғонистондаги НАТО кўшинлари кўмондони Генерал Дэвид Петреус ҳарбий амалиётлар учун раҳбарликни генерал-лейтенант Жон Алленга топширган. Сўнгги йилларда Афғонистондаги сони оширилган АҚШ кўшинлари ва НАТО кучларига кўмондонлик қилган генерал Петреус АҚШдаги расмий идоралардан бирига раҳбар этиб тайинланган. Тарқатилган маълумотларга қараганда, ўтган яқшанда кунини НАТО кўшинлари Бомбейн вилоятдаги хавфсизлик назоратини маҳаллий кучларга топширган. Бу Афғонистон раҳбари Ҳ.Карзай шу йил март ойида эълон қилган Афғон хавфсизлик кучлари масъулиятини ўз зиммаларига оладиган етти ҳудуддан биридир. Генерал Дэвид Петреус 37 йил мобайнида АҚШ армиясида хизмат қилган. Эслатиб ўтамиз, шу яқин ойларида АҚШ Афғонистондан ўз кўшинларини олиб чиқиб кетишининг биринчи босқинини бошлайди.



## БМТ баёноти

**БМТ Ливиядаги урушни тўхтатишга чақирган.**

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти вакили Валери Амос Ливияда гуманитар инқирознинг кучайишини олдини олиш учун жангларни тўхтатишга чақирди. Мамлакатнинг бир неча шаҳарларида сув ва озиқ-овқатлар етишмайди. Марказий шаҳарларга элтувчи аксарият йўлларда ҳаракатланувчи хавфлиликча қолмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, биргина Мисрата шаҳрида аянчли вазиятнинг юзага келишига бир томондан ҳарбий амалиётлар, иккинчи томондан Ливияга нисбатан қўлланаётган жазо чоралари сабаб бўлган. Айни пайтда мамлакатнинг Брега, Бенгази, Рас-Лануф шаҳарларида ҳукумат полицияси ва муҳолифат кўшинлари ўртасида тўқнашувлар давом этади. Минглаб аҳоли Ливияни тарк этишга мажбур бўлмоқда.



## Хавф камаяди

Бутундунё соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида, **сайёрамизда ҳар йили 225 миллионга яқин инсон малярия (безгак) билан касалланиб, улардан тахминан 800 минг нафари ҳаётдан кўз юмади. Бунга асосан касаллик ташувчи чивинлар сабаб бўлади.**

Яқинда АҚШлик олимлар маълум турдаги бактериялар тирик организмларни маляриядан самарали ҳимоя қилиши мумкинлигини аниқлашган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиги хабар беришича, бу эндиликда инсонларда ҳам касалликнинг олдини олиш чораларини кучайтиришга имкон яратди. Мэриленд штатидаги Жон Хопкинс университети олимлари тадқиқотида энтеробактер турдаги микроблар чивинлардаги малярия инфекциясини нобуд этиши мумкинлиги қузатилган. Мутахассисларнинг айтишича, чивин организмиди бу бактериялар бўлган пайтда ҳашарот инсонни чаққанда ҳам касалликка чалиниш хавфи 98-99 фоизга камаяди.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

# КЎЗГҮ



## МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

### ВАТАН УЧУН, ЮРТ УЧУН

#### ДЕЯ ТЎП СУРГАН ЎСМИР ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ МЕКСИКАДА КАТТА МУВАФФАҚИЯТГА ЭРИШДИЛАР



(Давоми. Боши 1-бетда)

Темур майдонга тушганда ўзини мутлақо эркин ҳис қилади. Рақибдан ҳеч қачон қўчмайдди. Тўп учун охиригача курашади. Шу билан бирга тартибли ўйинчи, қондани камдан-кам ҳолларда бузади. Тўпни жамоадолларидан ҳеч қачон қизганмайди. Масалан, Австралия билан бўлган ўйинда аввал ўзи гол урди. Ўйиннинг 89 дақиқасида эса ўзи ҳам қулай вазиятда турганига қарамай, тўпни жамоадолши Давлатбек Ёрбековга аниқ етказиб бер-

ди. Давлатбек эса кучли зарба бериб рақиб дарвозабонини доғда қолдиради. Ҳисоб 4:0.

#### Асқар ТОЛИБЖОНОВ, Ўзбекистон терма жамоалар маркази директори:

— Мен Темурни 9 йилдан буён биламан. 8 ёшдан "Пахтакор" футбол мактабига келган. Бундай натижага эришишида, аввало, юртимизда футбол болга катта эътибор берилганлиги, қолаверса, ўзининг тиришқоқлиги, футболга бўлган муҳаббати сабаб бўлмоқда. Оила аъзолари ҳам

унга етарли шарт-шароит яратиб беришди. Темур жуда тартибли ўйинчи, йиғинларга ўз вақтида келади. Қизиқувчанлиги ҳам бор. Жаҳон, Европа, Осиё футбол жамоалари, ўйинчилари, футболни ҳақида жуда кўп маълумотга эга. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятини доимо кузатиб боради. Шу билан бирга ўз устида мунтазам ишлайди. Ҳозир хорижий тилларни ўрганаёпти. Жаҳон чемпионатида у ўзининг бор имкониятларини кўрсата олди. Майдонда ҳам, ҳаётда ҳам кўпчилиكنинг эътиборига тушди. Терреон шахрида, уни хатто маҳаллий муҳлислар ҳам "Темур", "Темур" деб кўллаб-қувватлаб туришди. У ўз устида мунтазам ишласа, маҳоратини ошириб борса, ўзбек футболнинг юлдузларидан бири бўлади, деб ишонаман. Биз ҳеч кимдан кам эътибор, кам бўлмаганимиз ҳам.

#### Санжар Ризаев, Ўзбекистон футбол федерацияси матбуот котиби:

— Темур Ҳакимов жамоамизнинг асосий футболчиси ҳисобланади. У Аббос Махсуталиев билан олдинги чизикда ўйнаганида рақиб жамоа қўчмайдди. Темур майдондан ташқарида кувнок, ҳазилкаш, мусиқани яхши кўради. Интернетда ишлаш унинг жону дили. Отасонасига, яқинларига меҳрибон. Хориж матбуотида уни "Тима" деб аташади. Унга Ўзбекистон терма жамоасининг "ўқотар футболчиси" деб таъриф беришади. Футболчиларимизни Англия, Франция ва Италиялик мутахассислар мунтазам кузатиб боришади. Илик фикрлар билдиришди.

Биз бундай муваффақиятга бежиз эришмадик. Бу бевоқифа ёшларимизнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши ва ўз иқтидорларини тўлиқ намойиш этишларига давлат сиёсати даражасида қарантилаётган эътибор самарасидир. Биргина болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларни олайлик. Утган йил республика бўйича 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси ишга туширилди ва ўмумий қиймати 3 миллион долларлик спорт инвентарлари билан таъминланди. Айниқса, болалар футболни ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшларимиз эса ана шундай ғамхўрликларга муносиб жавоб беришга ҳаракат қилишяпти. Буни улар эришаётган натижалар ҳам яққол кўрсатиб турибди.

#### Алексей ВЕСТАФЕЕВ, терма жамоа бош мураббийи:

— Жамоамизнинг етакчи футболчиларидан бири ҳисобланган Темур Ҳакимов ўз ўрнида кўп ишлади, тер тўкди. Мураббийларнинг кўрсатмаларини тўлиқ бажариб борди. Унинг бугунги муваффақиятини ана шуларнинг ҳосиласи деб биламан.

Терреон шахридаги "Корона" ўйингоҳи биз учун ниҳоятда омадли келди. Деярли ҳар бир ўйинда маҳаллий ишқибозларнинг ҳам кўллаб-қувватлаганликларини сезиб турдик.

#### Мурод РАЖАБОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ўсмирларимиз ўйинини томоша қилиб, миллий терма жамоамизнинг 1994 йил Хиросимада қозонган ғалабаси ёдимга тушди. Навбат энди ўсмирларимизга келди. Улар ўзларининг ёрқин ўйинлари, майдондаги шикоати, тезкор ҳаракати билан дунё футбол оламини лол қолдирди. Менга 11 рақамда ҳаракат қилган Темур Ҳакимовнинг ўйини ёқди. Жуда иқтидорли бола экан. Ўз устида ишласа, маҳоратини ошириб борса, ўзбек футболнинг юлдузларидан бири бўлади, деб ишонаман. Биз ҳеч кимдан кам эътибор, кам бўлмаганимиз ҳам.

Йигитларимиз Мексикада жаҳондаги энг ривожланган юрт футболчилари билан тенгма-тенг, керак бўлса улардан устун эканликларини намойиш қилишди. Буни ҳақиқий жасорат, Ватанга, юртга бўлган муҳаббат деб аташ мумкин.

— Даствабки ўйинда ютқазиб қўйганимиз бизга алам қилди, - дейди Темур Ҳакимов. — Шундан сўнг бор кучимиз билан юрт учун, Ватан учун, муҳлисларимиз учун ўйнашга ҳаракат қилдик. Бизни камтарона хизматимизни юқори баҳолаган Юртбошимиз Ислоҳ Каримовга миннатдорчилик билдираман. Ҳали бундан-да катта ютуқларимиз билан футбол муҳлисларини хурсанд этамиз. Ўзбек футболни нуфузини дунёга кўз-кўз қиламиз, деб сизларни ишонтираман. Бизнинг бу камтарона ютуғимиз, муваффақиятимиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — мустақилликнинг қутлуғ 20 йиллигига тухфамиздир.

Мустақиллик ўтган 20 йил ичида нафақат ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги юқори ўсиш суръатлари билан, тафаккури теран, дунёқараши ўткир, шижоати баланд, Ватан учун, юрт учун хизмат қилаётган ана шундай ёшларни камолга етказганлиги билан ҳам қадри ва муқаддасдир.

#### Эркин ЙЎЛДОШ, "Milliy tiklanish" мухбири

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!



каби серкўёш ва жаннатмонанд ўлкамизни мадҳ этувчи кўшиқлар янгради.

Эътиборимизни кўрик-танловнинг энг ёш иштирокчиларидан бири — Ҳулқаржомол Бобонова тортиди. Унинг эғнидаги оппоқ ҳарир либоси, қўшиғидаги болаларга хос бегуборлик, кўнғироқдек овозидилларга хушнудлик бахш этди. Қорақалпоғистонлик хонандалар Азербай Акимов, Сарбиназ Аннакулова, Бахтияр Есемуратов ва Едилбай

Акимов халқ термаларини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда миллий руҳдаги унутилмас композицияни тақдим этишди. Шунингдек, танловда катта ашула айтганлар ҳам бўлди. Уларнинг санъатига қўйил қолдик. Халқимиз бундай хонишларни жудаёқ соғинганини давомили қарсақлардан билиб олдик. Кўрик-танлов ҳар жиҳатдан зўр ўтди. Буни томошачиларнинг юз-кўзидан, кўшиқчиларни мароқ билан тинглашидан ҳам англаш мумкин.

#### Зафар МУХАММАД, "Milliy tiklanish" мухбири

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолибшар ЗИЯЕВ, Сувон НАЖИДДИНОВ, Муҳаммадхон КУРОНОВ, Фафуржон МУХАММЕДОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Шира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ШИМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОВЕВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

## ЎГИТ

Косаси оқармас — кимки димоғдор,  
Баландлик истару охир бўлур ҳор.  
Иzzат-мартабалар истасанг агар,  
Кишига ташлама кибрили назар.

## БИЛАСИЗМИ?

Зигир бор-йўғи ярим кун гуллайдди.

Ичимлик суви тахминан 3 млрд. йилдан бери мавжуд.

## ТУРФА ОЛАМ

### УЛКАН ТОШ

#### АЦТЕК ҲИНДУЛАРИНИНГ ЁМҒИР МАЪБУДИ АКС ЭТГАН УЛКАН ТОШ МОРЕЛОС (МЕКСИКА) ШТАТИ ҲУДУДИДАН ТОПИЛДИ.

Археологларнинг таъкидлашича, Тлаолока маъбудининг тасвири туширилган монолит VIII асрга тегишли бўлиши мумкин. Мазкур улкан тошнинг оғирлиги 60 тонна атрофида экан. Тош эндигина қурилиши бошланган савдо маркази пойдеворини кўтариш пайтида топилган. Тадқиқотчиларнинг айтишига қараганда, ўшанда бу тошдан диний маросим ва тадбирларни ўтказиш мақсадида фойдаланилган эмиш.



## АНТИҚА ГИЛАМЧА

#### АМЕРИКАЛИК МУТАХАССИСЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ ТОЗАЛАЙ ОЛАДИГАН АНТИҚА ГИЛАМЧА КАШФ ЭТИШДИ.

Гиламча бир пайтлар ҳарбий мақсадларда фойдаланилган хомашё, янаям аниқроқ айтганда, икки қатламли устма-уст қилиб ўрилган полимер толалардан тўқилган экан. Бундай гиламчаниннг афзаллиги шундаки, у тўқилган қум зарраларини худди чанг-пюттич каби сўриб олади. Гиламча устига тушган қум ерга сингиб кетади, бироқ, гиламча орқали уйга заррача ҳам губор киролмайди. Англаган бўлсангиз, антиқа гиламча уй остонасига металл ҳалқачалар ёрдамида қоқиб қўйилади.



## ҒАЛАТИ ПАРҲЕЗ

#### ХИТОЙЛИК ЧЕН ДЕЦЗЮНЬ 42 ЙИЛДАН БЕРИ АНТИҚА ПАРҲЕЗГА АМАЛ ҚИЛИБ КЕЛАДИ.

71 ёшли қариянинг айтишича, бундай парҳез уни жисмоний оғриқлардан халос этаркан. Унинг парҳези нимадан иборат дерсиз? У худди машина каби бензин ичади. Децзюнь кунига бўлмаса ҳам, аммо ойига 3-3,5 литр бензинни кўрдим демайди. Бензинга бўлган иштиёқ қарияда 1969 йили пайдо бўлган. Кучли йўтал ва кўксидagi оғриқни дори-дармон билан даволаб бўлмагач, у халқ табобатига мурожаат қилади. Аввалига керосин ичиб, ўзини яхши ҳис қила бошлаган Чен кейинчалик керосинга бензин аралаштириб ичишда давом этган. Ҳисоб-китобларга кўра, қария шу чоққача 1,5 тонна атрофида бензин истеъмол қилган. Энг қизиги, шифокорлар қариянинг соғлиғи жойида эканини таъкидлашмоқда.



## ОМАДИ КУЛГАН ЖУФТЛИК

#### ЎЙИНИ ТАЪМИРЛАЁТГАН ФРАНЦИЯЛИК ЭР-ХОТИНЛАР КУТИЛМАГАНДА БОЙИБ КЕТДИ.

Франциянинг Мийо шахрида истикомат қилувчи омади кулган жуфтлик бир замонлар хумчага яшириб қўйилган, қиймати 100 минг еврога тенг тилла тангаларни топиб олган. Жами бўлиб хумчадан 34 та тилла танга чиққан. Тангаларни текширувдан ўтказган мутахассислар топилма ҳақиқийлигини ва у 1595 йилга тегишли эканини тасдиқлашган. Ушбу тангаларда асосан француз қиролларининг сиймоси акс этган экан.



З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади